

**1-МАВЗУ.3-МАЪРУЗА:
ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ
АВТОМАТЛАШГАН ТИЗИМИ ВА УНИНГ ЕР
ТУЗИШ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ (2 СОАТ)**

Режа:

- 1. Ер тузишни лойиҳалашда
автоматлашган тизимлар (ЕТЛАТ)
тушунчаси ва таркиби.**
- 2. ЕТЛАТнинг мақсади.**
- 3. ЕТЛАТда автоматлаштириш объекти.**

“МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
<p>1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 20 дақиқа</p>	<p>Гуруҳлар давомати назорат ыилинади. Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	<p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>
<p>2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа</p>	<p>2.1.Тарқатма материал тарқатилади мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар) Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
<p>3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қарагади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>


МАЪРУЗАНИ ЎТИШ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ

Талабалар сони: 120	1-мавзу. 3-маъруза. Вақт 2 соат
Маъруза шакли	Маъруза-ахборот
Маъруза режаси	<p>1.Ер тузишни лойиҳалашда автоматлашган тизимлар (ЕТЛАТ) тушунчаси.</p> <p>2. ЕТЛАТнинг мақсади.</p> <p>3.ЕТЛАТда автоматлаштириш объекти.</p>
Ўқув машғулот мақсади ЕТЛАТ тушунчаси, таркиби, аҳамияти, ўрни ва вазифалари бўйича умумий тассавурни шакллантириш	
<p><u>Педагогик вазиятлар:</u></p> <p>1.Ер тузишни лойиҳалашда автоматлашган тизимлар (ЕТЛАТ) тушунчаси тарифи берилади.</p> <p>2. ЕТЛАТнинг мақсади тушунтирилади.</p> <p>3.ЕТЛАТда автоматлаштириш объектига оид тушунчалар берилади.</p>	<p><u>Ўқув фаолияти натижалари:</u></p> <p>1.Ер тузишни лойиҳалашда автоматлашган тизимлар (ЕТЛАТ) тўғрисида тассавурга эга бўлади..</p> <p>2. ЕТЛАТнинг мақсади тўғрисида тассавурга эга бўлади..</p> <p>3.ЕТЛАТда автоматлаштириш объектига оид тассавурга эга бўлиди.</p>
Таълим усуллари	Ақлий ҳужум, блиц-сўров
Таълимни шакллантириш шакли	жамоавий
Таълим воситалари	Компьютер (проектор) слайдлар
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Тезкор сўров

Мураккаб тизимларни яратиш ва фойдаланиш ҳамда уларни автоматлаштириш назариясидан келиб чиқиб, проф.С.Н.Волков “Ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимлари (ЕТЛАТ)” га қуйидаги таърифни берган:

Учебник.
Землеустройство.
6-том.

ЕТЛАТ- бу лойиҳа ташкилоти бўлимлари билан ўзаро боғланган ҳолда, лойиҳалаш ишларини автоматлашган тартибда ЭҲМ ларда бажарадиган, таркиби лойиҳалашни автоматлаштириш воситалари мажмуидан иборат бўлган ташкилий-техник тизимдир




**ЕТЛАТни
жорий
қилишдан
қандай
мақсад
кўзланган?**

Оптималлаш масалаларини моделлаштириш ва ечиш асосида кўп ечимли лойиҳалаш усулларидадан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ҳисобига, ер тузишдаги лойиҳа-қидирув ишлари сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат сарфини камайтириш ва лойиҳалаш муддатини қисқартириш


**ЕТЛАТнинг
бирламчи
элементини
нима ташкил
этади?**

Ер тузиш бўйича лойиҳа ташкилотларида ЕТЛАТ дан фойдаланиш персонал ЭҲМ ларда ёки уларнинг локал тармоқларида амалга оширилади. Бунда компьютерларга уланадиган қўшимча қурилмалардан (дигитайзер, плоттер, сканер ва бошқ.) фойдаланилади. Бу тизимнинг бирламчи элементи - **ер тузувчи-лойиҳачининг автоматлаштирилган ишчи ўрни** ҳисобланади.

ETLAT таркибига қуидагилар киради:



ЕТЛАТ таркиби



Сизнинг фикрингизча бугунги кунда қайси лойиҳалаш усулларидан ва дастурлаш маҳсулотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

Ер тузишни лойиҳалаш усуллари:

- 1. Анъанавий усуллар**
- 2. Замонавий усуллар**

Дастурий маҳсулотлар:

- 1. AutoCAD** } ESRI комп.
- 2. ArcGis** }
- 3. PANORAMA** (Россия федер.)
- 4. OAZIS** (Белорус респуб.)

ЕТЛАТни яратишдан кўзланган мақсад

Ечимларни олишнинг
тезкорлигини ошириш

Лойиҳа сифатини
яхшилаш ва меҳнат
сарфини камайтириш
имконини берадиган
маълумотлар олиш

**Ерлардан оқилона
фойдаланиш
ва муҳофаза қилиш маслаларини,
лойиҳалаш жараёнларини
автоматлаштирилган тизимга
ўтказиш**

Лойиҳалашда
оптималлаштириш
технологияларини қўллаш

Лойиҳавий ечимларни
таҳлил қилиш

**ЕТЛАТда
автомат
лаштириш
объекти
сифатида
нималар
хизмат
қилади?**

ЕТЛАТ
дарслик

ЕТЛАТ ер тузиш бўйича лойиҳа-қидирув ташкилотларида меҳнатни илмий асосда ташкил этишни таъминлашга, лойиҳавий ҳисоблашларни автоматлаштиришга, хўжаликлараро ва хўжалиқда ички ер тузиш лойиҳаларини ва ишчи лойиҳаларни тузиш ҳамда лойиҳаларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши устидан муаллифлик назоратини амалга оширишга, қабул қилинган ечимларнинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларини таҳлил қилишга хизмат қилгани учун унинг **автоматлаштириш объекти сифатида ер тузишни лойиҳалаш жараёнлари, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, лойиҳавий ечимларни асослаш, лойиҳавий ҳужжатларни шакллантириш масалалари хизмат қилади**

**ЕТЛАТ
нимага
хизмат
қилади?**

ер тузиш бўйича лойиҳа-қидирув
ташкilotларида меҳнатни илмий асосда
ташкил этишни таъминлашга

лойиҳавий ҳисоблашларни
автоматлаштиришга, хўжаликлараро ва
хўжалиқда ички ер тузиш лойиҳаларини ва
ишчи лойиҳаларни тузиш ҳамда
лойиҳаларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши
устидан муаллифлик назоратини амалга
оширишга

қабул қилинган ечимларнинг келиб чиқиши
мумкин бўлган оқибатларини таҳлил
қилишга

ЕТЛАТни яратишда қандай омиллар ҳисобга олиниши керак?

1. ЕТЛАТ ни амалий яратишда **ер – ишлаб чиқариш – аҳоли - экология тизими**даги ўзаро боғлиқликни таърифловчи кўрсаткичлар ва ўзаро алоқалар тизимини тўғри белгилаш ҳамда ЕТЛАТни қўшни ёки функционал боғланган юқори даражадаги автоматлашган тизимлар (**ТГМИБАТ, КМИБАТ, ЕКАТ, РЕТХАТ**) билан барча алоқаларни ҳисобга олиш зарур.

ЕТЛАТни яратишда қандай омиллар ҳисобга олиниши керак?

2. Ер тузиш жуда мураккаб жараён бўлиб, ер тузиш лойиҳалари доимий ўзгариб турувчи ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш, ерлардан оқилона, самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ жуда катта миқдордаги ёзма ва чизма ҳужжатлардан ташкил топади. Шунинг учун ҳам ер тузишни лойиҳалаш бир марталик ёки даврий ҳаракат бўлмай, балки, лойиҳани ишлаш, такомиллаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ тўхтовсиз жараёндир. Демак ЕТЛАТ ҳам ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этиш жараёнини тартибга солувчи умумий давлат тизими билан ажралмас боғланган доимий ҳаракатдаги ва ривожланишдаги автоматлашган тизим сифатида ташкил этилиши керак.

ЕТЛАТни яратишда қандай омиллар ҳисобга олиниши керак?

3. Ер тузишни лойиҳалаш жараёнининг яна бир ўзига хос томони шундаки, у жуда мураккаб бўлиб, кўп сонли муқобил ечимларни, ўзаро алоқаларни миқдор ва сифат жиҳатларидан ҳисобга олишга тўғри келади. Ўзаро сифатий алоқаларни рақамли таърифлаш қийин бўлганлиги учун, ЕТЛАТ **инсон - машина тизими** шаклида яратилиши керак. Бу тизимда сифатга оид (рақамли ифодалаш мумкин бўлмаган) маълумотларни тайёрлаш ва ечимни қабул қилиш жараёни тўғридан-тўғри юқори малакали мутахассис томонидан, рақамли маълумотларни йиғиш, сақлаш, янгилаш ва бериш, ҳисоблаш операцияларининг мос техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда, компьютер дастурларидан фойдаланиб, бажарилиши керак.

3 - маърузани ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун БЛИЦ САВОЛЛАР:

1. ЕТЛАТ қандай мақсадларга мўлжалланган?
2. ЕТЛАТ тушунчаси нимани англатади?
3. ЕТЛАТ таркиби қандай қисмлардан ташкил топган?
4. Ер тузишда автоматлаштириш объекти сифатида нима хизмат қилади?